


Кимга қулоқ солмоқдамиз?



14:26 / 28 март 1081

Азизлар сиз билан башариятнинг, хусусан, мўмин-мусулмонларнинг ашаддий душмани бўлмиш шайтон ҳақидаги фикрлар дунёсига сайр қилиб кўрамиз!

Қуръони Каримда шайтон ҳақида 60 дан зиёд оят бор. Шулардан 4 тасини келтириб ўтсак:

«(Иблис) айтди: **«Роббим! Қасамки, мени йўлдан оздирганинг сабабли ихлосли бандаларингдан бошқа барчасига ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўяман ва ҳаммаларини йўлдан оздираман.»** (Ҳижр сураси, 39-40-оятлар).

«**У** (аламидан) деди: **«Қасамёд этаманки, мени янглиштирганинг туфайли Сенинг Тўғри йўлинг (Ислом дини) узра улар (одамларни чалғитиш) учун ўтираман. Сўнгра, уларга олдиларидан, ортларидан, ўнг томонларидан ва сўл томонларидан (чалғитиш учун) келаман.** (Натижада) **уларнинг аксариятини шуқр қилувчи ҳолда топмайсан»** (Аъроф сураси, 16-18-оятлар).

«**Сизларни шайтон** (Аллоҳнинг динига эътиқод қилишдан) **сира тўсмасин! Албатта, у сизларга аниқ душмандир»** (Зухруф сураси, 62-оят).

«Шайтон сизларга душмандир! Уни душман тутингиз! У ўз фирқасини (ўзига эргашганларни) дўзах аҳли бўлишга даъват қилур» (Фотир сураси, 6-оят).

Мазкур ояти карималарни яхшилаб тадаббур, тафаккур қилиб кўрайлик!

Шайтон Одам алайҳиссаломдан аввал яратилган ва қиёматгача мавжуд бўлиб қолади. Ўша даврдан бери қанчадан-қанча инсонларга, хусусан, пайғамбарлар, расуллар ва уларнинг йўлини тутган салафи солиҳлар, мужтаҳид олимлару обидларга душманлик қилиб, васваса солиш мумкин бўлганларини васвасага гирифтор этиб, жаннат йўлидан адаштиришга, Аллоҳ таоло сари бир қадам босишга ҳам йўл қўймасликка уриниб келди. Ва қайсидир маънода Аллоҳ таолога айтган қасамларининг уддасидан чиқди ва шундай қилишда давом этмоқда.

Унинг ягона вазифаси, кўзлаган мақсади – бизга тўлақонли душманлик қилиш, жаннат сари етаклайдиган одимларимизни чалғитиш, йўлдан оздириш, солиҳ амаллар қилишимизга тўсқинлик қилиш, хайрли амалларни унуттириш ва ҳоказо... У бу борада асло тинмайди, чарчоқ нелигини ҳам билмайди. У ўта билимдон, жуда айёр, маккор, содда қилиб айтганда, сизу биздан анчагина илмли, турли усулларни биладиган даражада уддабурон. Бу борада анча тажрибага ҳам эга.

Ҳар бир кишининг нозик нуқтасини топиб, ўшанга ҳужум қилади. Қалбга кирадиган бирор тирқишни кўриб қолса борми, албатта, ўша жойдан кириб боришга уринади. У инсонни бирданига ёмон амалларга бошламайди. Инсон пайқаб қолиши мумкинлигини билгани ҳолда бунинг эҳтиётини қилади! Шунинг учун арқонни узун ташлаб қўяди. Бандани адаштириш учун обдан вақт ажратади, куч сарфлайди. Унинг васвасасини сезиб, дарров зикр қилса: «Майли, сен Аллоҳни эслаяпсан, мен кетдим, лекин яқинда қайтаман», дея шу заҳоти гумдон бўлади. Кейин яна келади ва ишини шундай давом эттираверади.

Аввало кичик гуноҳлар сари ундайди. Секин-асталик билан Аллоҳ таолога осий бандага айлантиради, бора-бора гуноҳкор, осий инсонни ношукрга айлантириб, энг катта гуноҳ ҳисобланган ширк ва куфр амалларни қилдиришгача боради ва ўзининг олий мақсади – жаҳаннамий қилишнинг уддасидан ҳам чиқади. Аллоҳ таоло барчамизни асрасин!

Душманимизнинг қай даражада кучли, уддабурон эканини кўрдингизми?

Инсонларнинг душманлиги шайтоннинг душманлиги олдида ҳеч нарса эмас. Инсон чиркин мақсадига эриша олмаса, ёмонликдан воз кечиши мумкин. Балки, сизга, мол-дунёингиз, амалингизга зарар етказиш орқали таъсир эта олар. Сиз бу зиённинг ўрнини қоплай оласиз, вақти келса, балки ўша душманингиздан ўч ҳам оларсиз. Лекин иблиснинг сизга етказган зарарининг ўрнини тўлдиролмайсиз. Чунки унинг олий мақсади – бизни жаҳаннам сари улоқтириш, Аллоҳ таолонинг ношукр, осий, ғазабига дучор бандаларига айлантиришдир. Бундан ортиқ душманлик бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта. Юқоридаги оятларда бутун оламлар Робби Аллоҳ таоло шайтон бизнинг ашаддий ғанимимиз экани, уни душман тутишимиз лозимлиги ҳақида огоҳлантирмоқда.

Ана ўша душманимиз ҳозир кишанда. Салафи солиҳлар Рамазон кириб келганида бежиз хурсанд бўлишмаган. Улар ашаддий душманлари бўлмиш шайтоннинг занжирбанд этилишини тўла ҳис қила олишган. Бу улар учун том маънода байрамга айланган. Рамазон охирлагани сари маҳзунликлари ортаверган. Бунинг бир қанча сабаблари бор, лекин энг асосийси – бу шайтоннинг кишандан озод бўлиши ҳисобланган. Улар шайтоннинг шарридан доимо Аллоҳдан паноҳ сўрашган. Катта саҳобалардан Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дуо қилсалар, энг катта гуноҳлар, жумладан, хамр (маст қилувчи ичимлик) ичиш, зино, ўғрилиқ, куфр, ширк қилишдан паноҳ сўрар эканлар. Буни эшитганлар: «Шу гуноҳларни қилиб қўяман деб ўйлайсизми?» деб сўрашганида: «Модомики иблис тирик экан, ўзимга ишонмайман. Қалбларни бурувчи Зот хоҳлаган томонга бура олади», дер эдилар.

Бу сўзлар кимнинг оғзидан чиқаётганига эътибор беринг-а! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамроҳ бўлган, олдиларидан жилмайдиган, у зотдан энг кўп ҳадис ривоят қилган, тирикликларида Аллоҳ таоло улардан рози бўлган, жаннатий буюк саҳобийнинг оғзидан чиқмоқда!

Ҳа, азизлар, биз ҳам шайтонга нисбатан худди шундай хавотирда бўлишимиз лозим. Доимо унинг макру ҳийлаларидан омонда қилишини Яратгандан сўрашимиз керак.

Шайтоннинг душманлигини озроқ бўлса ҳам ҳис қилдингизми?

Бир кишига эмас, бир қанча яқинларимга ўзимча: «Нохуш хабар! Эшитдингизми? Жуда ёмон бўлар экан», десам, «Оббо, яна қандай нохуш хабар экан?» деб бирдан ҳаммаларининг саволи: «Тинчликми?» бўлди. Мен: «Тинчлик эмас-да!» десам, хавотирлари янада ошиб: «Айта қолинг,

юракни сиқмасдан, нима бўлди ўзи?» деб қистайверишди. Кейин мен: «Огоҳ бўлинг! Шайтон яқинда занжирларидан озод бўлар экан!» десам, енгил тортиб: «Э, шумиди, нима бўлибди экан дебман», дейишди.

Субҳаналлоҳ! Бу энг ёмон хабар эмасми?! Наҳотки, уни эшитган инсон хавотирга тушмаса, маҳзун бўлмаса?! Бундан ҳам ёмонроқ хабар бўлиши мумкинми?!

Ҳа, азизлар, аччиқ бўлса-да, ҳақиқат шу, бизнинг ҳолимиз шундай... Шайтонни ашаддий душман санамаганимиз ёки унинг ашаддий ғаним эканини тўлиқ ҳис қила олмаганимиз сабаб ана шундай ҳолатга тушиб қолганмиз. Ғофилликдан уйғонмасак аҳволимиз не кечади?! Тасаввур қилиш қийин...

Ана шундай ҳис-туйғулари бўлган ҳақиқий мўмин-муслмон Рамазонни интиқлик билан кутади. Рамазон кириб келса, боши кўкка етади, қалби шодланади. Кўпроқ ибодатлар қилишга Робби билан аҳдлашади. Денгизга тушган балиқ қандай яйраса, у ҳам Рамазонда шундай яйрайди. Ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланиб қолишга, 11 ой давомида улгурмаган амалларни бор кучи билан кўпроқ қилиб олишга, охирати учун оғир ва салмоқли захира тўплашга ҳаракат қилади. Бироқ «Яқинда шайтон чиқаркан, озод бўлар экан» деган хабарни эшитиши билан сиқилиб, қалбини маҳзунлик қамраб олади, хотиржамлиги йўқолади. Мўмин-муслмоннинг ашаддий душмани бўлмиш шайтоннинг занжирлари оз фурсатдан кейин ечилиши ҳақидаги хабар унга оғир ботади.

Хўш, бу хабардан кейин энди ҳақиқий мўмин нима қилиши керак? Эшитганларидан таъсирланиб, жим бўлиб қолиши, амаллардан тўхтаб қолиши керакми?!

Йўқ, асло! Бу хабарни эшитган киши кўзини каттароқ очади, янада сергак тортади. Ашаддий душманига қарши қуролланишга, 11 ой давомида унинг алдовлари, ёлғон ваъдалари, васвасаларига учиб қолмаслик учун моҳирона тайёргарлик кўришга қатъий киришади. Шу вақтгача шайтон қайси томондан ўзига ҳужум қилгани, қай тирқишу тешиклар орқали васваса қилгани ҳақида мулоҳаза қилиб, дарҳол шу камчиликларини бартараф этишга, қалб қалъасини 11 ойлик озуқа билан таъминлашга, пойдеворию биносини мустаҳкамлашга тиришади. Заиф томонларини ўрганиб, уларни тўғрилашга ҳаракат қилади.

Мўминнинг шайтонга қарши қуроли нима? Албатта, Аллоҳ таолони рози қиладиган ҳар қандай солиҳ амаллар шайтонга қарши қурол ҳисобланади. Бу амаллар ихлос билан амалга оширилиши, фақат шу ой билан кифояланиб қолмай, умрининг охиригача бардавом бўлишини Яратгандан сўраши, бу борада қатъий азму қарор қилиши лозим. Сиз эга бўлишингиз керак бўлган қуролларни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Илм ўрганиш, Аллоҳ таолони таниш, каломини ўрганиш, уни фаҳмлаш, тадаббур-тафаккур қилиш, ундаги Роббоний буйруқларни таҳлил қилиб, ҳаётга татбиқ қилиш, қайтариқлардан тийилиш, набавий кўрсатмаларга амал қилиш, ростгўй, гўзал хулқли бўлиш, ғазаб қилмаслик, ота-онага итоат, ғамхўрлик қилиш, намозларга мустаҳкам бел боғлаш, имкон бўлса, ҳаж ва умрани адо қилиш, закот бериш, мўмин-мусулмон ва қийналганлар ҳолидан хабар олиш, рўзадорларга ифторлик қилиб бериш, доимий таҳоратда юриш, Аллоҳ таолони зикр қилиш, хусусан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар тарк қилмаган доимий тонгги ва тунги зикрларни ёдлаб, ўқиб юриш, мунтазам равишда истиғфор, салаватлар айтиш, жума куни Каҳф сурасини ўқиш, намозларини доимо жамоат билан адо этишга ҳаракат қилиш, кундалик суннат намозларни тарк этмаслик, кўп дуо қилиш, етим-есирларнинг бошини силаш, уларга ғамхўрлик қилиш, дўсту биродарларнинг эҳтиёжларини қондириш, ҳаёли, ифбатли бўлиш, инсонларнинг айбини яшириш, ширк ва куфр амаллардан сақланиш, мусулмон ва бошқаларга тил билан ҳам, қўл билан ҳам азият бермаслик, аёлнинг эрига итоат қилиши, эр-хотин бир-бирларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларига риоя этиши, ҳасад ва бахилликдан эҳтиёт бўлиш, Аллоҳ таолога шукрона айтиб юриш ва ҳоказо...

Азизлар, душманимизга қарши қуроллана оляпмизми?! Ашаддий душманимиз бўлмиш шайтоннинг озодликка чиқиши сизни ҳам хавотирга солдими? Рамазоннинг бебаҳо лаҳзаларини беҳуда нарсалар билан ўтказиб қўймаймизми? Душманимизни ҳақиқатдан ҳис қила олдикми? Шайтон ҳужум қиладиган биноимизни мустаҳкам қилишга киришдикми? Камчиликларимиз, шайтон кира оладиган тирқишларни беркитишга ҳаракат қиляпмизми?

Ўзи қайси томондамиз: Роббимизнинг нурли йўлидами ёки шайтоннинг зулмат сўқмоқларидами? Кимга дўстмиз? Жаҳаннам сари етаклашга уринадиган шайтон ва унинг гумашталарими ёки абадий ҳаёт – жаннатга чорлайдиган Аллоҳ таолоними? Кимга қулоқ солмоқдамиз? Ашаддий душманимиз шайтон ёки унинг тоифасидаги инсонларгами ёки биз учун

энг меҳрибон бўлган Зот – Аллоҳ таоло ва унинг суюкли Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, уларнинг йўлини тутган ҳақиқий мўмин-мусулмонларгами?

Йўлимизни, мақсадимизни аниқлаб олиш вақти келмадими?! Ҳозир шуни қилмасак, ҳаётимизни керакли томонга йўналтирмасак, кейин кеч бўлиб қолиши мумкин! Яна бир бор эслатамизки: Ашаддий душманамиз шайтоннинг озод бўлишига саноқли кунлар қолди. Унга қарши қуролланиб олайлик!

Аллоҳ таоло барчамизни шайтон ва унинг ёмонликларидан, шайтоний инсонлар ва уларнинг ярамасликларидан Ўз паноҳида асрасин! Ушбу Рамазондан кейинги Рамазонга қадар шайтонга қарши кураша оладиган куч-қувват, мустаҳкам иймон ато қилсин, солиҳ амаллар билан қуроллантирсин!

«Рамазон соғинчи» китобидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2021 йил 11 февралдаги 03-07/905-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.